

Факат Ўзбекистон жумхуриятида вакф бор, бошка ёкларда йўкдек.

Ўзбек халки ўзига айрим катта бир жумхурият бўлиб тузилгандан кейин вакф ишлари яна ҳам ахамият касб этадир.

Бош вакф идораси вакфни кенг доирада идрок килиш учун тузган лойихаси 15 декабр гача Инкилобқўм хайъат раъиясига такдим килса керак. Бу лойиха Шўролар Марказий Ижроқўми томонидан ҳам тасдик этиладир. Шу вақтгача айрим бўлган Бухоро, Хоразм жумхуриятларидаги вакф мулклари жуда сузлик билан келган, кўп мулклар рўйхат килиниб, рўйхатга олиш ҳам вакф карамогидаги эски-янги мактабларни кандай хисоблаш ва бошкалар учун Бош вакф идораси томонидан бир таълимот юборилди.

Хоразм, Бухоро жумхуриятларидаги вакф мулклари 1925 йил биринчи апрелигача рўйхат килинуб бўлгусидир.

Миллий жумхуриятларга бўлиниш муносабати билан Ўзбекистон жумхурияти доирасидаги вакф мулкларидан фойдаланиш Козогистон, Коракиргизга ўтиб кетадир. Мана бу масала жумхуриятлар тузилиб битгунча идора килиш тегишли ҳукумат идораларининг кўлида бўладир.

Вакф мулки бўлибда хозиргача бошка ҳукумат идораларининг тасарруфида бўлган жойлар 25-йилнинг биринчи апрелигача Бош вакф идорасига ўтказиш учун тегишли идоралар билан чораси кўрилуру.

Бухородаги вакф мулклари мамлакатнинг тўртиндан бирини, Хоразм вакф мулклари мамлакатнинг учдан бирини ташкил этгани холда ўшал жумхурият комхозларининг кўл остида идора килиниб келадир, десак, хато бўлмас. (Бундан оз бир кисми вакф идораларида тасарруф килинадур.) Вакф ерларидан дехконларга бўлиниб берилмаган боглар, чорвоқлар бордирки, булар хар кимларнинг кўлида ётадир. Шуларни Бош вакф идорасига ўтказиш чораси кўрилмоқда ва лойихалари тайёрланмоқдадир.

Бош вакф идораси Ўзбекистон доирасидаги вакф сармояларини хусусий фондда сақлаш харакатида. Бош вакф идорасининг хозирги сармояси 700 минг сўмдир, агарда мамлакат мулклари рўйхатга олиниб бўлса, вакф даромадини ўн мартаба орттириш кутиладир.

Хозир вакф таъминотида, Хоразм ва Бухородан ташкари, 85 бошлангич мактаб, 6638 ўқувчи, 2—3 боскич мактаб, 400 ўқувчи, 10 саводсизлар курси, 6 таълим-тарбия курси бор. Бундан бошка вакф шефлигида клуб, кироат-хона, хотин-киз билим юрти хам 25 стипендия олгувчи бор. Демак, Бош вакфнинг умумий даромадидан 89 ярим просенти илмий ишларга сарф бўлиб, колгани идора ишчиларига кетадир.

Бош вакф идораси ўзининг кейинги планида кўрсатилган ишларни бажариб, бутун вакф мулкларини инвентарга олса, ундан чикодиргон даромадга килинадурган ишлар жуда кўп. Бухоро ва Хоразмда таълим-тарбия курслари очиш, янги мактаб бинолари солиш хам четларда ўқувчи талабаларга кўпрак ёрдам бериш биринчи вазифалардандир. Шунинг билан бирга даромад манбаларини кўпайтириб, бузилган дўкон, саройларни тузатиш керак.

*«Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1924 йил, 11 декабр*